

Интеграл маърузалар самарадорлиги ва уларни такомиллаштириш йўллари.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар биринчи навбатда замон талабларига жавоб бера оладиган етук мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Бу жараёнда талабаларга таълим бериш услубларини тўғри танлаш етакчи аҳамият касб этади. Анъанавий таълим услублари билан бир қаторда янги таълим методикларини тадбиқ этиш замон талабига айланиб бормоқда.

Таълим жараёнига инновацион услубларни тадбиқ этиш борасида Тошкент тиббиёт академиясида ҳам талайгина ишлар амалга оширилиб келмоқда. Шу жумладан маъруза машғулотларини интеграллашган ҳолда олиб бориш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Сўнги йилларда кўплаб профессор-ўқитувчилар томонидан турли мавзуларда интеграл маърузалар ташкил қилинди. Интеграл маърузаларда академия профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда ҳорижий универститет профессорларининг бу жараёнга жалб қилинганлигининг ўзи бу борада кўзга кўринларли натижаларга эришлганлигининг исботидир.

Шу билан бир қаторда бугунги кунда интеграл маърузаларни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва бу жараёнга янги услубларни тадбиқ этиш борасида бир қатор таклиф ва мулоҳазаларимиз бор.

Биринчидан, интеграл маърузаларнинг асосий тингловчиси бўлган талабаларда мотивацияни ошириш учун бир қанча усулларни қўллашни таклиф этамиз:

1. Интеграл маърузаларни ўтказиш билан бир қаторда маъруза сўнгида мавзуга оид тезкор савол-жавоблардан иборат бўлган викториналарни ташкил этиш. Энг фаол иштирок этган талабаларни маъруза сўнгида тақдирлаш.
2. Маърузада ўз саволлари ва фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашган талабаларни маъруза сўнгида тақдирлаш.
3. Маъруза блоклари орасида ёки маъруза сўнгида тест саволлари кўринишида сўров ўтказиш йўли билан энг кўп тўғри жавобларни берган талабаларни танлаб олиш ва тақдирлаш.
4. Маърузада иштирок этган гуруҳларда мазкур фанлар бўйича оралик ва якуний назоратлар ўтказилганда маърузада келтирилган маълумотларни ҳам қўшимча тарзда сўраш.

Иккинчидан, интеграл маърузани ташкил этаётган ва ўтказаетган профессор-ўқитувчиларда мотивацияни ошириш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Илмий унвон ва даража олиш учун даъвогар бўлган профессор-ўқитувчиларда интеграл маърузалар ўтганлигини инобатга олиш ва интеграл маъруза ўтказган бўлса уларни қўллаб-қувватлаш.
2. Интеграл маърузаларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун кетадиган вақтни вақт меъёрларида келтирилган очик маърузалар қаторига киритишни жорий этиш ва буни илмий кенгаш қарори билан тасдиқлаб қўйиш.
3. Ҳар йили ўтказиладиган “Энг яхши педагог” танловида иштирок этиш учун даъвогар бўлган профессор-ўқитувчилар учун интеграл маъруза ўтганлигини ҳам мезонлардан бири сифатида қабул қилиш.
4. Йил давомида интеграл маърузаларни ўтказишда фаол қатнашган профессор-ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Учинчидан, интеграл маърузалар сифатини мазмунва таркибий жиҳатдан яхшилаш мақсадида қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Интеграл маърузаларни ташкил этишда нафақат Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари балки, бошқа олий ўқув юртларидан ҳам етакчи профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш.
2. Интеграл маърузаларни амалиёт билан уйғунликда ўтказиш учун мамлакатимиздаги етакчи илмий-текшириш иснтитутлари, тиббиёт марказлари ва тиббиёт муассасаларидан етакчи мутахассисларни таклиф этиб улар билан ҳамкорликда маърузаларни ташкил этиш.
3. Интеграл маърузаларнинг йиллик режасини аввалдан тасдиқлаш ва қатъий равишда шу режа асосида ўтказишни ташкил этиш.

Юқорида келтириб ўтилган таклиф ва мулоҳазаларни амалиёига жорий қилсак, интеграл маърузаларга бўлган қизиқиш ва муносабат ижобий томонга ўзгаради ва талабалар ҳам, профессор-ўқитувчилар ҳам интеграл маърузаларни ташкил этишдан манфаатдор бўладилар ва бу тиббиёт фанларни ўқитишни уйғунлашган ҳолда олиб боришда ижобий натижалар беради деб умид қиламиз.

Ишчи гуруҳ раиси



Ж.М.Ахмедов